

Ғийбатнинг сабаблари ва ундан қутулиш учун муолажалар (2-қисм)



16:44 / 09.05.2018 2989

2. Юзига сўккан кишидан хафа бўлиб, ортидан уни ғийбат қилиш ва унинг муолажаси.

Бундай ҳолатда инсон аввало ўз нафсини тўхтатиб олиши, сўккан кишини ҳалимлик билан кечириб, олийжаноблик қилиши лозим.

Ҳикоя. Бир куни Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам саҳобалар билан ўтирган эдилар. Бир одам Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳуни сўкиб, озор берди. Абу Бакр жим турдилар. У одам иккинчи маротаба озор берган эди, Абу Бакр яна сукут сақладилар. Учинчи маротаба озор берганидан сўнг Абу Бакр ҳам ундан (сўкиш билан) ўч олдилар. Шунда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам мажлисдан туриб кетдилар. Абу Бакр розияллоҳу анҳу: «Эй Аллоҳнинг Расули, сиз мендан аччиқландингизми?» дедилар.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Самодан бир фаришта тушиб, унинг сен ҳақингдаги гапи учун уни ёлғончига чиқараётган эди. Сен ўч олгач, орага шайтон тушди. Шайтон тушган пайтда эса мен ўтира олмайман»**, дедилар.

Ҳикоя. Имом Абу Ҳанифа Минодаги «Хайф» масжидида ўтирган эдилар, юзи беркитилган бир одам келиб, у кишини сўради ва: «Эй фоҳишанинг ўғли», деди. Абу Ҳанифа: «Эй одам, Аллоҳ сени афв қилсин. Нима

истайсан?» дедилар. У: «Фалончи масала ҳақида сендан сўрашса, унга Ҳасан Басрийнинг жавобига тескари жавоб берибсан», деди. Имом Абу Ҳанифа: «Ҳасан Басрий хато айтган», деди. У одам: «Эй кофир, эй зиндик, сен Ҳасанни хатокорга чиқаряпсанми?» деди.

Имомнинг асҳоблари уни урмоқчи бўлишган эди, имом Абу Ҳанифа уларни қайтардилар ва: «Ибн Масъуд тўғри айтган, Ҳасан эса хато айтган», дедилар. *Бошқа ривоятда:* Ўша одам имомга тил теккизгач, у киши: «Аллоҳ сени мағфират қилсин. У Зот мен ҳақимда сен айтган гапнинг тескарисини билади. Мен У Зотни таниганимдан бери бирор кишини Унга шерик қилмаганман. Мен фақат Унинг афвини умид қилганман, фақат Унинг азобидан қўрққанман», дедилар. Азоб ҳақида гапира туриб, йиғлаб юбордилар.

Шунда у одам ўрnidан туриб: «Аллоҳ учун кечирингизни сўрайман. Мен хато қилдим, нодонлик қилиб қўйдим», деди. Имом Абу Ҳанифа елкалари силкиниб, янада кўпроқ йиғладилар: «Эй одам, мен сени Роббим – Аллоҳга топширдим», дедилар. У эса: «Мен бундан енгилени хоҳлайман», деди. Имом Абу Ҳанифа: «Ундай бўлса, сени ҳам, мени сўккан бошқа барча одамларни ҳам кечирдим», дедилар.

Эслатма. Имом Абу Ҳанифа Ҳасан Басрийнинг хатосини айтиб, бир қарашда ғийбат қилгандек бўлдилар. Лекин бу ғийбат рухсат этилган ғийбатдир. Чунки ғийбат дин иши (бирор фикҳий масалани тушунтириш) учун бўлса, дуруст бўлади. Бунинг шарҳи эса олдинги боблардан бирида айтиб ўтилди. Бу муҳаддисларнинг жарҳу таъдилига, яъни уларнинг ҳадис ривоят қилувчиларга баҳо бера туриб, «фалончи ровий ёлғончи, фалончи ровий ростгўй» дейишларига ўхшайди.

Ҳадис. Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам айтдилар: **«Ҳақиқий паҳлавон бошқаларни курашиб йиқита олган одам эмас, балки ғазаб вақтида ўзини қўлга ола билган кишидир».**

Эслатма. Ғазаб вақтида ўзини қўлга ола билган одам ҳақиқий паҳлавон ҳисобланишининг сабаби шуки, биринчидан, нафс билан курашиш жуда оғир. Чунки нафс одамини ҳалок қилишга кучи етадиган даражада даҳшатли душмандир. Шунинг учун одамлар билан курашиб, уларни енгган кишидан кўра нафси билан курашиб, уни мағлуб қилган киши ҳақиқий паҳлавон саналади. Иккинчидан, кураш тушиш зоҳирий (ташқи) аъзоларнинг иши, нафсини енгиб, ғазабини тўхтатиш эса ботиний иш, яъни қалбнинг ишидир. Зоҳир чиройли бўлганидан кўра ботин (ичкари)

гўзал бўлгани яхшироқ-да!

Насиҳат. Абу Бакр Варроқ қуддиса сирруҳу айтади: «Аллоҳ таоло бандалардан олти нарсани талаб қилади. Шулардан икки нарсани банданинг қалбидан талаб қилади:

- 1) Аллоҳнинг амрини улуғлаш;
- 2) Аллоҳнинг махлуқларига шафқат қилиш.

Икки нарсани банданинг тилидан талаб қилади:

- 1) Аллоҳнинг бирлигини иқрор қилиш;
- 2) халққа ростгўйлик ва мулойимлик билан гапириш.

Қолган икки нарсани банданинг бутун аъзои баданидан талаб қилади:

- 1) Аллоҳнинг амрларини бажариш, қайтарган ишларидан сақланиш;
- 2) Аллоҳнинг махлуқотига мулойим бўлиш.

Ҳикоя. Исроилиётда ривоят қилинишича, бир одам ҳикмат тўғрисида уч юз олтмишта китоб ёзиб, «ҳаким» номини олибди. Аллоҳ таоло ўша замоннинг пайғамбарига ваҳий юбориб, «Фалончига Менинг номимдан айт: «Сен ер юзини бемаъни ва олди-қочди гапларинг (бир ривоятда: мунофиқликларинг) билан тўлдирдинг, аммо бу нарсаларнинг бирортаси билан Менинг ризоимни истамадинг. Мен бемаъни ва сафсата гапларингдан (бир ривоятда: мунофиқлик билан қилган ишларингдан) ҳеч бирини қабул қилмайман», деди. У одам бу хабарни эшитгач, афсус-надомат қилиб, ҳикматларидан воз кечди. Бозорларда халқ билан аралашиб, Бану Исроил билан таомланишда шерик бўлиб, қалбида тавозе пайдо қилди. Шунда Аллоҳ таоло уларнинг пайғамбарига «Энди розилигимга муваффақ бўлганини унга етказ» деб ваҳий жўнатди.

«Ғийбат ўзи нима?»

Муҳаммад Абдулҳай Лакҳнавий

Таржимон: Ёрқинжон Фозилов

